

ТАЪЗИЯ



15:02 / 05.09.2020 1045

«Hilol-nashr» нашриёт-матбааси ҳамда Islom.uz портали жамоаси Ўзбекистон мусулмонлари идораси жамоаси Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри «Абдуллоҳ ибн Аббос» жоме масжиди имом-хатиби Абдурахмон домла Давроновнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ушбу мусибат дамларида марҳумнинг аҳли байтига Аллоҳ таолонинг қазои қадарини розилик ила қарши олган чинакам мўминларнинг мақомини сўраймиз ва барча яқинларига Аллоҳ таоло гўзал сабр берсин.

Абдурахмон домла қарийб 30 йил мобайнида турли вазифаларда дин ва халқ хизматида бўлди.

Аллоҳ таоло марҳумнинг барча солиҳ амалларини ўзларига ҳамроҳ айлаб, Ўзининг шомил мағфирати ва раҳматига олсин.

«Иннаа лиллааҳи ва иннаа илайҳи рожиъун»

«Албатта, биз Аллоҳникимиз ва албатта, биз У Зотга қайтувчимиз».

Islom.uz портали